

MOTURIDIYLIK



The Maturidiyya - الماتريدية - Матуридизм



ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Музаффар КОМИЛОВ – тарих фанлари номзоди, доцент

Шайх Нуриддин ХОЛИҚНАЗАР – Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий

Баҳром АБДУҲАЛИМОВ – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси вице-президенти

Уйғун ҒАФУРОВ – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

Фирдавс АБДУХОЛИҚОВ – Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази директори

Давронбек МАХСУДОВ – тарих фанлари доктори, профессор

Зоҳиджон ИСЛОМОВ – филология фанлари доктори, профессор

Аҳаджон ҲАСАНОВ – тарих фанлари доктори, профессор

Шовосил ЗИЁДОВ – тарих фанлари доктори, профессор

Жамолиддин КАРИМОВ – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

Аҳмад Саъд ДАМАНҲУРИЙ (أحمد سعد الدمنهوري) – илоҳиёт фанлари доктори

Махмуд Эрол ҚИЛИЧ (Mahmud Erol KILIÇ) – доктор, профессор, IRCICA Бош директори

Назир Муҳаммад АЙЁД (نظير محمد عياد) – илоҳиёт фанлари доктори, Ал-Азҳар мажмуаси Ислом тадқиқотлари академияси Бош котиби

Режеп ТУЗЖУ (Reser Tuzcu) – илоҳиёт фанлари доктори, профессор, Салжук университети ҳузуридаги Имом Мотуридий тадқиқот маркази директори

Аширбек МУМИНОВ – тарих фанлари доктори, профессор, IRCICA Бош директорининг дастурлар бўйича маслаҳатчиси

Камалуддин Нурдин МАРЖУНИ (Kamaluddin Nurdin Marjuni) – илоҳиёт фанлари доктори, Малайзия ислом фанлари университети кафедра мудири

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари
бўйича қўмитасининг 2024 йил 24 июлдаги
03-07/4457-сонли хулосаси асосида тайёрланди.



Муассис:

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИМОМ МОТУРИДИЙ ХАЛҚАРО
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ

Бош муҳаррир:

Жамолиддин Каримов,
Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

Муҳаррир ўринбосари:

Зафар Фахриддинов,
Исломишунослик фанлари бўйича
фалсафа доктори

Саҳифаловчи:

Зарифжон Арслонов

Дизайнер:

Зарифжон Ғуломов

«Мотуридийлик» журнали
Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация
комиссиясининг 2021 йил 30 декабрдаги
310/10-сон қарори билан диссертация асосий илмий
натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий
нашрлар рўйхатида киритилган.

Журнал 2021 йил 12 декабрда Ўзбекистон
Республикаси Президенти Администрацияси
ҳузуридаги Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлиги томонидан
№1139 рақами билан рўйхатга олинган.

Таҳририят манзили:

Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани,
Абдулла Қодирий кўчаси, 11-уй.

E-mail: maturidijournal.uz

Web-sahifa: info@moturidiy.uz

Телефонлар: (+99871) 244-35-21,
(+99871) 244-35-47

МУНДАРИЖА

Jamoliddin Karimov.

Сўнги йилларда Имом Мотуридий меросининг юртимизда ўрганилиши: эришилган натижалар ва истиқболдаги режалар 4

ИСЛОМШУНОСЛИК

Soatmurod Primov.

Мовароуннахрлик илк мутакаллимлар фаолияти 11

Doston Mustafayev.

XIV–XV асрларда Мовароуннахрда ёзилган Қуръон илмларига оид асарлар таҳлили 20

Sunnatulla Abdullayev.

Усул ал-фикҳ илмида Рукнуддин Убайдуллоҳ илмий меросининг аҳамияти 30

ИСЛОМ ХУҚУҚИ

Bekzodbek Mukhtarov.

XI–XII асрлар Мовароуннахр ҳанафий фикҳига оид асарлар таҳлили 38

Muhammadnur Murodkhonov, Nigora Yusupova.

Islom huquqi tizimida inson huquqlari 46

Mokhira Jumaniyazova.

Oilada xotin-qizlar va bolalarga qarshi zo‘ravonlikni oldini olishda islom ta‘limotining ahamiyati 53

Najmiddin Hafizov.

Abu Hafis Nasafiyning fiqhga oid asarlari 61

ДИНШУНОСЛИК

Dilafruz Turdiyeva.

Malayziyada diniy-dunyoviy muvozanatni saqlashda davlatning o‘rni 70

ИСЛОМ ТАРИХИ ВА МАНБАШУНОСЛИК

Oybek Sotvoldiyev.

Ибн Саъднинг «ат-Табақот ал-кубро» асарида аёллар биографиясининг ёритилиши 78

Abdurashid Askarov.

Balog‘at ilmining rivojlanishida Sa‘duddin Taftazoniy asarlarining o‘rni 84

Ahmadkhon Rashidov.

«Шотибия» асарида ёзилган араб тилидаги шарҳлар 94

Begzod Bakirov.

«Navobig‘ al-kalim» asari balog‘atiga xizmat qilgan leksik vositalar va unda qo‘llangan tajnis (jinos) san‘ati 104

Jamoliddin A. KARIMOV,
Doctor of Philosophy on Historical Sciences,
Director of the Imam Maturidi International
Scientific Research Center:
A.Qadiri str. 11, 100011, Tashkent, Uzbekistan.
E-mail: j.karimov@gmail.com

DOI: 10.47980/MOTURIDIY/2024-2/1

**СЎНГГИ ЙИЛЛАРДА ИМОМ
МОТУРИДИЙ МЕРОСИНИНГ
ЮРТИМИЗДА ЎРГАНИЛИШИ:
ЭРИШИЛГАН НАТИЖАЛАР ВА
ИСТИҚБОЛДАГИ РЕЖАЛАР**

**STUDY OF IMAM MATURIDI'S
HERITAGE IN OUR COUNTRY IN THE
RECENT YEARS: ACHIEVED RESULTS
AND FUTURE PLANS**

**ИЗУЧЕНИЕ НАСЛЕДИЯ ИМАМА
МАТУРИДИ В НАШЕЙ СТРАНЕ ЗА
ПОСЛЕДНИЕ ГОДЫ: ДОСТИЖЕНИЯ И
ПЛАНЫ НА БУДУЩЕЕ**

КИРИШ

Сўнги йилларда Ўзбекистонда буюк мутафакир алломаларнинг бой илмий-маънавий меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш, уни жамоатчиликка кенг тарғиб қилиш ҳамда шу асосда ўсиб келаётган ёш авлодни миллий ва диний кадрятлар руҳида тарбиялаш юзасидан кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йил 10 февралдаги «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш ва тадқиқ этиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-126-сонли қарори (<https://lex.uz/uz/docs/5854226>) юртимиз заминидан етишиб чиқиб, жаҳон илм-фани ва ислом цивилизацияси ривожига бебаҳо ҳисса қўшган буюк аллома ва мутафакирларнинг қўлзма асарларини илмий асосда ўрганиш, жумладан, ўзбек тилидаги илмий-изоҳли таржималари ҳамда замонавий нашрларини тайёрлаш, олинган натижалардан амалий фойдаланиш жараёнини мутлақо янги босқичга кўтаришга хизмат қилади.

2020 йил 11 августда ПҚ-4802-сон Қарор билан асос солинган Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказининг асосий вазибаларидан бири сифатида ақида ва калом илми ривожига бекиёс ҳисса қўшган Имом Мотуридий ва унинг издошлари бўлган алломаларнинг улкан илмий, диний-маънавий меросини чуқур ўрганиш, улар яратган асарларнинг илмий-изоҳли таржима ва қиёсий матнларини нашр этиш, халқ ва жаҳон жамоатчилиги ўртасида кенг тарғиб қилиш, ушбу мавзуларга доир илмий тадқиқотларни тизимли ташкил этиш белгилаб қўйилган (<https://lex.uz/docs/4945427>).

АСОСИЙ ҚИСМ

Маълумки, Ўзбекистон жаҳон цивилизациясининг энг қадимги бешикларидан бири ҳисобланади. Ушбу заминдан илм-фаннинг турли соҳаларида сермаҳсул ижод қилиб, умумбашарий тараққиётга дахлдор улкан илмий-маънавий мерос қолдирган кўплаб олимлар етишиб чиққан. Бугунги кунда уларнинг қўлзма асарлари нафақат мамлакатимиз, балки жаҳоннинг энг нуфузли кутубхоналари ноёб манбалар фондида сақланмоқда. Ўзбекистоннинг ўзида биргина Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Қўлзмалар фондида турли соҳаларга оид 26 минг жилд қўлзма, 40 минг жилдга яқин тошбосма манбалар сақланади. Ҳозирги вақтда юртимиз кутубхоналарида сақланаётган ёзма манбаларнинг жуда оз қисмигина ўрганилган бўлиб, шу сабабли ҳозирги вақтда кўплаб қўлзмаларни тадқиқ этишга улкан эҳтиёж мавжуд.

Бугунги кунда Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказида қўлзма манбаларни тадқиқ этиш ва кенг тарғиб қилишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Марказ олдида мотуридийлик таълимоти асосчиси Имом Абу Мансур Мотуридий ва унинг издошлари меросини чуқур ўрганиш, улар яратган асарларнинг илмий-изоҳли таржима ҳамда қиёсий матнларини нашр этиш, буюк алломаларнинг кутубхона ва қўлзма фондларида сақланаётган қўлзма ва тошбосма асарларининг асл ҳамда электрон нусхаларини жамлаш улар устида тадқиқот олиб бориб, келажак авлодга безавол етказиш каби бир қатор муҳим ва долзарб вазибалар қўйилган.

Аннотация. Имом Матуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази 2020 йил 11 августда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ПҚ-4802-сонли Қарори асосида ташкил этилган. Марказ олдида Имом Матуридий ва унинг издошлари меросини ўрганиш, уларнинг ақида ва калом илми ривожига қўшган бебаҳо ҳиссасини тарғиб қилиш, шу асосда ёш авлодни умуминсоний эзгу қадриятлар руҳида тарбиялаш, уларда ёт гояларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш, «жаҳолатга қарши маърифат» гояси остида исломнинг илм-маърифат, маънавий баркамоллик, тинчлик, тараққиёт ҳамда бунёдкорликка чорловчи гояларини афкор оммага етказиш каби муҳим вазифалар кўйилди.

Шундан келиб чиққан ҳолда, ҳозирги кунга қадар Марказда аждодлар ҳаёти, илмий фаолияти ҳамда уларнинг асарларининг таржимасига доир 100дан ортиқ китоб ва рисоалар нашр этилди. Ушбу мақолада Имом Матуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази томонидан амалга оширилган йирик лойиҳалар, жумладан, Имом Матуридийнинг «Таъвилот ал-Қуръон» асарининг ўзбек тилига таржимаси ҳамда «Китоб ат-Тавҳид» асарининг замонавий нашрлари ҳақида сўз боради.

Калим сўзлар: Имом Матуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Таъвилот ал-Қуръон, Китоб ат-Тавҳид, Усул ад-дин, Баҳр ал-калом, Имом Зандавистий.

Abstract. The Imam Maturidi International Scientific Research Center was established on August 11, 2020, based on the Decision No. PD-4802 of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev. The Center aims to study the legacy of Imam Maturidi and his followers, to promote their invaluable contribution to the development of the sciences of aqidah and kalam, to educate the young generation in the spirit of universal noble values, to form in them ideological immunity against foreign ideas, to convey to the public the ideas of Islam calling for knowledge, spiritual perfection, peace, development, and creativity under the idea of «enlightenment against ignorance».

Based on this, more than 100 books and pamphlets on the life, scientific activity of ancestors, and translation of their works have been published by the Center. This article talks about the major projects implemented by the Imam Maturidi International Scientific Research Center, including the translation of Imam Maturidi's work «Ta'wilat al-Qur'an» into Uzbek and modern editions of the work «Kitab am-Tawhid».

Keywords: Imam Maturidi International Scientific Research Center, Ta'wilat al-Qur'an, Kitab am-Tawhid, Usul ad-din, Bahr al-kalam, Imam Zandavisti.

Аннотация. Международный научно-исследовательский центр Имама Матуриди был образован 11 августа 2020 года на основании Постановления Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева за № ПП-4802 «О мерах по образованию Международного научно-исследовательского центра Имама Матуриди». Перед Центром были поставлены важные задачи, в т.ч. изучение наследия Имама Матуриди и его последователей, широкая пропаганда бесценного вклада, внесенного ими в развитие исламского вероубеждения и науки каляма, воспитания на этой основе молодого поколения в духе благородных общечеловеческих идей, а также формирования у них идеологического иммунитета против чуждых вредных влияний, на основе идеи «просвещение против невежества» доведение до широких масс идей религии ислам, призывающих к учению и просветительству, духовному очищению, миру и спокойствию, прогрессу и созиданию.

Исходя из поставленных задач, на сегодняшний день Центром были изданы более 100 книг и брошюр, посвященных жизнеописанию, творческой деятельности и переводам трудов ученых предков. В данной статье представлена информация о крупных проектах, реализованных Международным научно-исследовательским центром Имама Матуриди, в т.ч. о переводе на узбекский язык «Та'вилат аль-Қуръан» («Интерпретации Корана») Имама Матуриди и о современных изданиях его книги «Китаб ат-Таухид» («Книга о единобожии»).

Ключевые слова: Международный научно-исследовательский центр Имама Матуриди, Та'вилат аль-Қуръан, Китаб ат-Таухид, Усуль ад-дин, Баҳр аль-калам, Имам Зандависти.

Айни вақтда Марказда ёзма манбаларни тадқиқ этиш, сақлаш ва реставрация қилишининг илмий-назарий асосларини шакллантириш, соҳага оид қўлёзма манбалар билан ишлаш малакаси ва кўникмасига эга бўлган мутахассисларни тайёрлаш юзасидан тизимли ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, 2022 йилда Марказнинг бир қатор илмий ходимлари Туркия Республикаси

Қўлёзма манбаларни тадқиқ қилиш марказида ташкил қилинган «Интенсив: қўлёзмаларни кенгайтирилган тарзда ўрганиш» номли малака ошириш курсида бевосита иштирок этдилар. Шунингдек, қўлёзмаларни ўрганишга қаратилган малака ошириш ўқувлари камрови ва сифатини янада ошириш мақсадида Марказ томонидан 2022 йил июнь ойида Туркия Республикаси

Ибн Халдун университети профессори, доктор Хамза Бакрий иштирокида ўзбекистонлик барча мутахассислар учун «Қўлёзма манбаларни тадқиқ қилиш» мавзусида бир ҳафталик ўқув машғулоти ташкиллаштирилди. Доктор Маҳмуд Мисрийнинг «Қўлёзмаларни тадқиқ қилишнинг назарий асослари» (Маҳмуд Мисрий, 2023:132) номли китоби ўзбек тилида нашр қилинди. Туркия Республикаси, Миср Араб Республикаси, Бирлашган Араб Амирликлари, Саудия Арабистони ва Европа қўлёзма фондларида сақланаётган мовароуннаҳрлик алломалар қаламига мансуб 10000дан зиёд қўлёзма манбанинг факсимиле ва электрон нусхалари жамланди.

Шу билан бирга, Марказда қўлёзма манбаларни ўрганиш ва тарғиб қилиш бўйича кенг қўламли амалий ишлар ҳам олиб борилмоқда. Жумладан, Имом Мотуридий «Китоб ат-Тавҳид» асарининг Буюк Британиядаги Кембриж университети кутубхонасида сақланаётган дунёда ягона қўлёзма нусхаси асосида ўзбек тилидаги илмий-изоҳли таржимаси ҳамда танқидий матни тайёрланди (Имом Мотуридий, 2024:660).

«Китоб ат-Тавҳид» асарининг Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказида тайёрланган илмий-изоҳли таржимаси китобни ўзбек тилига ўгиришга илк уриниш бўлгани билан ҳам алоҳида қийматга эга. Бунга қадар дунёда асарни турли тилларга таржима қилишга уринишлар кўп бўлганини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Зеро, асардаги Имом Мотуридий услубига хос бўлган мураккаб ибора ва жумлалар, танланган мавзунинг ўзига хослиги, китоб ёзилган даврдан то ҳозирги кунга қадар ўн асрдан зиёд вақт ўтиб, тил хусусиятларининг сезиларли даражада ўзгаришга учрагани уни таржима қилишга киришган мутахассисдан етарли тажриба ва билим, улкан машаққат талаб этади.

«Китоб ат-Тавҳид» Имом Мотуридийнинг эътиқод софлигини таъминлаш мақсадида ёзган шоҳ асари бўлиб, мотуридийлик таълимотига оид бирламчи ва энг мўтабар манба ҳисобланади. Асарда Имом Мотуридий яшаган даврда фаолият олиб борган мутаассиб оқимларнинг бузғунчи ғояларига нақлий ва ақлий далиллар асосида раддиялар келтирилгани унинг бугунги кундаги амалий аҳамиятини, илмий қийматини оширади.

Таъкидлаб ўтилганидек, Буюк Британиядаги Кембриж университети кутубхонасида сақланаёт-

ган дунёда ягона қўлёзма нусхаси ҳамда Миср (1970 йилда) ва Туркияда (2003 йилда) чоп этилган замонавий нашрларни қиёсий ўрганиш асосида асарнинг танқидий матни ҳам тайёрланиб, Иорданиядаги «Мактабат ал-Ғоним» нашриётида чоп этилди.

«Китоб ат-Тавҳид»ни чоп этишга бўлган илк уриниш доктор Фатҳуллоҳ Хулайф томонидан амалга оширилган. Ундан кейин Бакр Тўполўғли ва Муҳаммад Аручийлар бу ишга қўл урганлар. Ушбу тадқиқотчиларнинг хизматларини эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Бироқ, «Китоб ат-Тавҳид» билан яқиндан танишиб, Имом Мотуридий илмий меросини ўрганиш натижасида бу борада айрим танқидий мулоҳазалар туғилди. Масалан, Фатҳуллоҳ Хулайф тадқиқоти ушбу китобнинг илк замонавий нашри бўлиб, унинг чоп этилишида улкан меҳнат сарфланган. Ушбу нашр тадқиқотчилар учун кейинги изланишларда муҳим манба ҳисобланади. Бироқ, унда айрим сўзларни ўқий олмаслик (Абу Мансур Мотуридий, 1990:58), аксар ҳолатларда мавжуд нусхадаги матн билан ҳошияларда келтирилган бошқа нусхалардаги сўзларни таққослашни эътибордан четда қолдириш, изоҳлаш ёки иборидаги баъзи нуқсонларни тўлдириш мақсадида айрим изоҳ ва қўшимчалар бериш каби ҳолатлар кўзга ташланади.

2003 йилда Анқарада Бакр Тўполўғли ва Муҳаммад Аручийлар томонидан «Китоб ат-Тавҳид» асарининг таҳқиқи чоп этилади. Асар 2019 йилда Истанбулдаги Ислом тадқиқотлари маркази (ISAM) томонидан кўриб чиқилиб, қайта нашр этилади (Имом Мотуридий, 2019).

Улар китоб мукаддимасида: «Биз таҳқиқ борасида муҳаққиқлар орасида мисли ва назири йўқ, олдин фойдаланилмаган махсус услуб бўйича иш олиб бориб, ягона қўлёзма нусхага таянишга қарор қилдик ва унга «Китоб ат-Тавҳид»нинг биринчи нашрини ҳам қўшимча қилдик. Биз уни худди иккинчи қўлёзма нусха сифатида эътиборга олдик» (Имом Мотуридий, 2019), деб ёзадилар. Улар қўлёзмани қайта ўқиб чиқиб, озроқ бўлса-да, унга баъзи қўшимчалар киритганлар. Улар ҳам доктор Хулайф каби матн орасида кўплаб изоҳлар берганлар. Бироқ, ушбу таҳқиқда ҳам бир қатор камчиликлар мавжуд. Жумладан, нашрда матн ва ҳошиялардаги айрим сўз ва ибораларни ўқий олмаслик, ҳошияларни мураккаблаштириш каби ҳолатларни учратиш мумкин.

Мазкур мулоҳазаларга қарамасдан таъкидлаш лозимки, тадқиқот Имом Мотуридийнинг фикрларини ўқиш ва улар билан танишиш имконини берадиган даражада амалга оширилган. Бу ўртада қанча мулоҳазалар билдирилса ҳам, ушбу иш китобнинг дастлабки нашрлари бўлиб қолаверади.

«Тавҳид» китобининг аввалги нашрлари ўрганилар экан, улардаги юқорида қайд қилинган мулоҳазали жиҳатлар ушбу асарни қайта таҳқиқ қилишга эҳтиёж борлигини кўрсатди. Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази илмий ходимлари матнни Имом Мотуридий қолдиргандек ва унинг издошлари ўқиганларидек ўқувчига тақдим этишни мақсад қилдилар. Матнда хато бор ва маъно бериш имконсиз ёки ҳеч қандай изоҳ йўқ, деган хулосага келингандагина уни таҳрир қилишга қарор қилинди. Дахл қилинган ўринлар асосан изоҳда бўлиб, асосий матнга имкон қадар тегилмади.

Марказ томонидан амалга оширилган таҳқиқ бир қатор хусусиятлари билан ажралиб туради. Улардан энг муҳимлари қуйидагилардир:

1. Имом Мотуридийнинг тили кўз ўнгимизда намоеън бўлиши ва матн асли қандай бўлса, шундайлигича қолиши учун уни бошқа кўшимчалардан холи қилиш.

2. Матнни қуйидаги баъзи кўшимчалар билан осонлаштиришга ҳаракат қилинди:

а) матн ичида ҳажман катта бўлмаган изоҳли сўзлар ёзилди;

б) китоб боб ва фаслларга ажратилди;

с) сарлавҳалар қўйилди;

д) хатбошиллар рақамланди.

3. Матнни ягона асл қўлёзма орқали ўқишга эътибор бериш ва олдинги таҳқиқлардаги ўқишлар билан солиштирган ҳолда энг яқин ва тўғри ўқишни илгари суриш. Шунда матн кўпинча ёзма хатолардан холи бўлади.

4. Ушбу нусха асл нусханнинг барча ҳошияларини ўз ичига олади. Шу билан бирга нусхалар ўртасидаги солиштирмалар, тузатишлар, шарҳ ва изоҳлар алоҳида кўрсатилди. Энг тўғри ўқилишни таъминлаш мақсадида уларнинг барчаси диққат билан ўқиб чиқилди.

5. Матнни тушиб қолган сўзлардан холи қилишга ҳаракат қилинди.

Бир сўз билан айтганда, бу ишда олдинги жиддий муҳим таҳқиқлардан фойдаланилди ва уларда йўл қўйилган нуқсонлар имкон борича бартараф этилди.

Маълумки, Имом Мотуридийнинг бизгача етиб келган иккинчи асари «Таъвилот ал-Қуръон»дир. Асар X-XI асрда ёзилган энг мўътабар тафсир ҳисобланади. У ўзида X-XI аср тилини, маданиятини ва фанлар кесимида атама ва ибораларни камраб олган. Асарни XXI асрда таржима қилиш ва уни оддий китобхонлар тушунадиган тилда ифодалаш мутахассисдан катта масъулият талаб қилади.

Асарнинг таржимасига киришишдан аввало таржима йўриқномасини тузишдан бошланди. Чунки, таржимонларнинг услуби тартибга солинса, ишнинг умумий йўналиши бир-бирига мутаносиб бўлиб, келажакда китобхонларга қулайлик яратади. Қуръон, ҳадис, ақида, фикҳ каби йўналишларда таржима қилинаётган китоблар мутахассисдан айни шу соҳани билишни талаб қилса, тафсир фани мутахассисдан фанларнинг турли тармоғини билишни тақозо қилади. Чунки, унда ақида, фикҳ, тасаввуф, тарих ва бошқа соҳалар баён этилган.

Таржимани амалга оширишда қуйидагилар белгилаб қўйилди:

– таржима учун Бақр Тўполўғли масъул муҳаррирлиги остида нашр қилинган «Таъвилот ал-Қуръон» асарининг замонавий таҳқиқи таржимада асосий манба сифатида қабул қилинди (Абу Мансур Мотуридий, 2023).

– Қуръон оятларининг таржимаси Шайх Абдулазиз Мансурнинг «Қуръони карим маъноларининг таржимаси» ҳамда Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуфнинг «Қуръон маънолари таржимаси» асаридан олиш тавсия этилди. Имом Мотуридийнинг Қуръони карим оятларини тушунишда ўзбек тилидаги нашр этилган Қуръони карим маъноларининг таржималари орасида фарқли ҳолат кузатилганда, Имом Мотуридийнинг қараши асосида таржима амалга оширилиши белгилаб қўйилди. Масалан, «Шуаро» сураси 196-ояти:

وَإِنَّهُ لَفِي زُبُرِ الْأَوَّلِينَ

«Албатта, у (Қуръон) аввалгиларнинг китобларида ҳам бордир» (Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф, 2022) ёки «Албатта (Қуръондаги айрим хабарлар) аввалгиларнинг китобларида ҳам бордир» (Абдулазиз Мансур, 2018:375) шаклида таржима қилинган. «Таъвилот ал-Қуръон»да ушбу оятнинг маъноси юзасидан қуйидагилар келтирилган: «Баъзи таъвил аҳли уни: «Албатта, у, яъни Муҳаммад (с.а.в.)-

нинг пайгамбар этиб юборилиши ва сифати аввалгиларнинг китобларида баён қилингандир», деб талқин қилган. Оятдаги «**Албатта, у**» жумласи «Аввалги китобларда Муҳаммад (с.а.в.)га Қуръони карим нозил қилиниши зикр этилган», деган маънони англатади. Бу оятни «Қуръони каримнинг айна ўзи аввалги китобларда бор», деб талқин қилмаслик керак. Ёки оятда «Қуръони каримнинг ҳаммаси эмас, баъзиси зикр этилган», деб тушунмаслик лозим» (Абу Мансур Мотуридий, 2023).

Мана шундай ҳолатларда, ўзбек тилидаги таржималардан тўғридан-тўғри фойдаланилса, Имом Мотуридийнинг қарашларига мувофиқ бўлмаган вазият юзага келади.

– Қуръон оятларининг араб тилидаги асл матнидан сўнг ўзбек тилидаги таржимаси берилди. Сура ва оятларнинг номлари асосий матнда, оятдан сўнг қуйидаги тартибда берилган: (Анбиё сураси, 28-оят).

Мисол:

﴿وَتَرْكُنَا مِنَ السَّمَاءِ مَاءً مُبَارَكًا﴾

«**Осмондан баракали сув туширдик**» (Қоф сураси, 50-оят).

– Асарга хос атама ва ибораларнинг аввал арабчаси, сўнгра қавс ичида транскрипцияси, сўнгра дефис орқали қўштирноқ ичида таржимаси келтириб ўтилди.

Мисол:

المَلِك [ал-Малик] – «хукмрон» сўзи, «буйрукни жорий қилиш», «султон» ва «рахбарлик» каби маъноларни ифодаловчи умумий лафздир.

– Тадқиқотчилар томонидан берилган изоҳлар асосий матн остида келтирилди.

– Далил сифатида келтирилган ҳадисларнинг араб тилидаги матни берилмай, курсив шаклида таржимаси ёзилган ҳамда уларнинг манбалари қуйидаги шаклда кўрсатилган (Имом Бухорий ривояти).

Мисол:

Меросхўрларга қолдирган меросида ўзи учун яхшилик борлигига Расулulloх (с.а.в.)нинг қуйидаги ҳадиси далил бўлади: «*Меросхўрларингни бой ҳолатда қолдиришинг, уларни инсонлардан тиланчилик қиладиган даражада фақир этиб қолдиришингдан яхшироқдир*» (Имом Бухорий ривояти).

– Таржимон томонидан изоҳ сифатида асосий матнга киритилган жумла икки қавс орасида (...) каби кўринишда берилди.

Мисол:

Чунки инсонлар манфаат умидида улуғ кишиларга молларини хайр-эҳсон қилишга қизиқишар экан, **(буюк зот саналган)** Аллоҳ йўлида мол сарфлашлари ўта ажрли амал бўлади ҳамда бу **(Аллоҳ йўлида бойлик сарфлаш)** рағбатга муносиб **(иш)**дир.

– Таржима жараёнида Фотима Юсуф Хаймий, Маждий Босаллум ҳамда Бақр Тўполўғли таҳрири остидаги таҳқиқлардан фойдаланилди. Матнда муаммоли ўринларга дуч келинганда Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, Лолали, Мурод Бухорий, Нури Усмоғия, Ҳамидия фондларида сақланаётган қўлёзмаларга мурожаат қилинди.

Таъкидлаш лозимки, «Таъвилот ал-Қуръон» асарининг ҳозирги кунга қадар тўлиқ ҳолда нашр қилинган учта нусханинг ҳар бири ўзига хос хусусият билан ажралиб туради ҳамда уларнинг таҳқиқ борасидаги услублари ҳам бир-биридан фарқ қилади. Шу сабаб, асарни ўзбек тилига таржима қилишда ушбу учта нусхадан унумли фойдаланишга ҳаракат қилинди. Қайси бир нусхада қийинчилик туғдирган иборалар бўлса, бошқа нусхалар орқали тузатилди ва таржимада уларнинг орасида муносиброқ ва тўғрироқ бўлгани танланди. Жумладан:

- Баъзи нусхаларда муҳаккиқ томонидан тўғри деб баҳолашиб, асосий матнда берилган иборадан кўра ҳаволада қолдирилган бошқа нусхадаги ибора тўғрироқ бўлиши мумкин. Мисол учун, қуйидаги ҳолатда عادة сўзидан кўра عبارة сўзи муносиброқ эканини кўриш мумкин.

يكون نوى ثلاثا، فثبت أنه لا يفهم به في عادة اللفظ الثلاث. وأما وجه

الحكمة فلما ذكرنا

- Шунингдек, замонавий таҳқиқ қилинган нусхада баъзи ўринларда асосий матн ва бошқа нусхалар ўртасидаги ихтилофлар тушунарсиз тарзда ёритилган. Жумладан, асосий матн ва сноскадаги ихтилофлар гоҳо бир хил эканини кўриш мумкин. Бу ҳолатда қайси бири хато эканини англаш мушкул бўлади.

أن يُعرف فقبل كونه غائب وبعد كونه شاهد. والله أعلم.


- Шунингдек, баъзи нусхалардаги хатолар «Шарҳ ат-Таъвилот»нинг қўлёзма нусхалари асосида тўғриланди. Мисол учун, «Мурсалот» сураси 1-ояти тафсирида турк тадқиқотчилари томонидан таҳқиқ қилинган нусхада المبشرات тарзида келган:

جائز أن يكون يُجمل على الرياح لكن على الرياح المبشرات وهي الرياح السهلة الخفيفة، لأن النشر مذكور في رياح الرحمة بقوله: وَهُوَ الَّذِي يُرْسِلُ الرِّيحَ نُشْرًا ۖ بَيْنَ يَدَيْ رَحْمَتِهِ ، في بعض القراءات.

Худди шу ибора «Шарҳ ат-Таъвилот»нинг Ҳамидия нухасида эса المنشورات тарзида келади:

Таржима асносида контекстга المنشورات сўзи муносиб экани аниқланди.

Юқоридагилар билан бир қаторда, таржима асносида баъзи ибораларни ёритишда тафсир китоблари ва қомусларга ҳам мурожаат қилинди. Жумладан, «Инсон» сураси 21-оятта тафсирида الحجال сўзи Маждий Босаллум ва турк



тадқиқотчиларининг таҳқиқида الأحجال тарзида келган. Лекин, Фотима Юсуф Хаймийда эса ушбу ибора الحجال тарзида тўғри қўлланилган. Ушбу ибора Ибн Касир тафсири ҳамда мўъжамларда ҳам الحجال экани аниқланган.

НАТИЖА

Мақолада сўз юритилган Имом Мотуридийнинг «Китоб ат-Тавҳид» асарининг танқидий нашри 2024 йилнинг февраль ойида Миср Араб Республикасининг пойтахти Қоҳира шаҳрида бўлиб ўтган 55-халқаро Қоҳира китоб ярмаркасида (Cairo International Book Fair), май ойида Доҳа халқаро китоб ярмаркасида (Doha International Book Fair) намоиш этилди.

Танқидий матннинг нашр этилиши ҳамда йирик халқаро китоб кўرғазмаларида намоиш этилиши дунё ҳамжамияти ва халқаро илмий жамоатчилик томонидан Ўзбекистонда диний-маърифий соҳада олиб борилаётган ислохотларнинг юксак самараси сифатида эътироф этилди.

Имом Мотуридийнинг бизгача етиб келган иккинчи шоҳ асари «Таъвилот ал-Қуръон»нинг ҳозирга қадар 1–6, 21–30-жузлари ўзбек тилига илмий-изоҳли таржима қилиниб, нашр этилди. Қолган жузларнинг таржимасини яратиш устида ҳам изчил ишлар олиб борилмоқда.

Имом Мотуридийнинг илмий меросини ўрганиш билан бир қаторда, Марказ илмий ходимлари томонидан мотуридий алломалар ҳаёти ва илмий фаолиятига доир қатор изланишлар ҳам олиб борилмоқда. Жумладан, мотуридий

алломалар ҳақида маълумот берувчи «Буюк аждодларимиз» рукни остида халқчил рисоалар, шунингдек, Имом Паздавийнинг «Усул ад-дин», Абул Муин Насафийнинг «Баҳр ал-калом», юртимиздан етишиб чиққан мотуридийлик таълимоти алломаларидан Имом Зандавистий қаламига мансуб «Равзат ал-уламо ва нузҳат ал-фузало» асарининг ўзбек тилидаги илмий-изоҳли таржимасини яратиш устида олиб борилаётган ишларни ҳам алоҳида зикр қилиб ўтиш мақсадга мувофиқ.

Юқоридагилар билан бир қаторда, Марказ томонидан «Мотуридийлик таълимоти библиографияси» номли китоб ҳам нашрга тайёрланди. Унда мотуридийлик таълимоти оид классик манба ва замонавий адабиётлар ҳақида умумий маълумотларни ўзида жамлаган. Китоб «Классик манбалар», «Замонавий адабиётлар» ва «Диссертациялар» номли уч бўлимдан таркиб топган. «Классик манбалар» бўлимида Имом Мотуридийдан бошлаб XX асргача бўлган даврда яшаб ўтган мотуридий олимларнинг ақида илмига доир асарлари, уларнинг қўлёзма ва замонавий нашрлари ҳақидаги маълумотлар жамланган. «Замонавий адабиётлар» бўлимида мотуридийлик таълимоти бўйича ёзилган ва нашр юзини кўрган китоб, рисола ва монографиялар келтирилган. «Диссертациялар» деб номланган учинчи бўлимда эса, Ўзбекистон ва хориждаги турли таълим муассасаларида ёзилган магистрлик ва докторлик диссертацияларининг рўйхати шакллантирилган. Ушбу китоб мотуридийлик бўйича келажакда олиб бориладиган илмий изланиш ва тадқиқотлар учун муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилади.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, аждодларимизнинг асарларини ўрганиш, сақлаш ҳамда уларни келажак авлодга безавол етказиш илмий-тадқиқот муассасалари олдида турган энг долзарб ва муҳим вазифалардан бири бўлиб, бу орқали Учтинчи Ренессанс учун мустақкам илмий-назарий пойдевор яратиш имконияти юзага келади.

Марказ томонидан қўлёзмаларни тадқиқ этиш ва кенг тарғиб қилишга қаратилган ишларни истиқболда ҳам изчил давом эттириш мақсад қилинган. Хусусан, мотуридийлик таълимоти оид манбаларни даврлаштирган ҳолда ўзбек

тилида босқичма-босқич нашр қилиш, қўлёзма фондларида сақланаётган замонавий нашри амалга оширилган юртимиз алломалари қаламига мансуб асарларнинг танқидий матнларини тайёрлаб чоп этиш, аждодларимизнинг бой илмий-маънавий меросида келган умуминсоний эзгу ғоялар, тарбиявий воситалар ҳамда ахлоқий меъёрларни халқимизга, айниқса ўсиб келаётган ёш авлодга етказиш устувор вазифа сифатида белгилаб олинган.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. ПҚ-126-сон 10.02.2022. Қадимий ёзма манбаларни сақлаш ва тадқиқ этиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида (lex.uz)
2. ПҚ-4802-сон 11.08.2020. Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида (lex.uz)
3. Маҳмуд Мисрий. (2023). Қўлёзмаларни тадқиқ қилишнинг назарий асослари // Таржимонлар: З.Абдуллаев ва б. Тошкент: Ўзбекистон халқаро ислом академияси нашриёт-матбаа бирлашмаси.
4. Имом Мотуридий. (2024). Китоб ат-Тавҳид. Тошкент: Hilol-nashr.
5. Абу Мансур Мотуридий. (1990). Китоб ат-Тавҳид. // Фатхуллох Хулайф таҳқиқи. Миср: Дор ул-жоме
6. Имом Мотуридий. (2019). Китоб ат-Тавҳид. // Бакр Тўполўғли ва Муҳаммад Аручи таҳқиқи. Туркия: Мактаба ал-иршад.
7. Абу Мансур Мотуридий. (2023). Китоб ат-Тавҳид. Уммон: Мактаба ал-ғоним лин-нашр ват-тавзеъ.
8. Абу Мансур Мотуридий. (2005). Қуръон тафсирлари. Истанбул. Дар ал-Мизон.
9. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. (2022). Қуръони Карим ва ўзбек тилидаги маънолар таржимаси. Тошкент: Hilol-Nashr нашриёт-матбааси.
10. Абдулазиз Мансур. (2018). Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. Тошкент. Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси.

REFERENCES

1. PD-126 dated 10.02.2022. On additional measures to improve the system of preservation and research of ancient written sources (lex.uz)
2. PD-4802 dated 11.08.2020. On measures to establish the Imam Maturidi International Scientific Research Center (lex.uz)
3. Mahmud Misriy. (2023). Qo'lyozmalarni tadqiq qilishning nazariy asoslari // trans. Z.Abdullayev and others. Tashkent: International Islamic Academy of Uzbekistan publishing-printing association.
4. Imom Moturidiy. (2024). Kitob at-Tavhid. Tashkent: Hilol-Nashr.

5. Abu Mansur Maturidi. (1990). Kitab at-Tawhid. // ed. Fathullah Khulayf. Egypt: Dar al-Jami'.
6. Imom Maturidi. (2019). Kitab at-Tavhid. // ed. Bekir Topaloglu and Muhammad Aruchi. Turkiye: Maktaba al-Irshad.
7. Abu Mansur Maturidi. (2023). Kitab at-Tawhid. Amman: Maktaba al-Ghanem.
8. Abu Mansur Maturidi. (2005). Ta'wilat al-Qur'an. Istanbul. Dar al-Mizan.
9. Shaykh Muhammad Sodiq Muhammad Yusuf. (2022). Qur'oni Karim va o'zbek tilidagi ma'nolar tarjimasi. Tashkent: Hilol-Nashr.
10. Abdulaziz Mansur. (2018). Qur'oni karim ma'nolarining tarjima va tafsiri. Tashkent: Tashkent Islamic University publishing-printing association.



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ
ИМОМ МОТУРИДИЙ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИНИНГ
«МОТУРИДИЙЛИК» ЖУРНАЛИ

Мазкур нашр олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот муассасаларининг профессор-ўқитувчилари,
докторантлари, мустақил тадқиқотчилари, магистрантлари,
талабалари ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Таҳририят фикри муаллиф нуктаи назари билан бир хил бўлмаслиги мумкин.
Журналдан кўчирма олинганда манба қайд этилиши шарт.

MOTURIDIYLIK



The Maturidiyya - الماتريدية - Матуридизм

2/2024

Бош муҳаррир: **Ж.Каримов**
Муҳаррир: **З.Фахриддинов**
Нашр учун масъул: **З.Арслонов**
Чет тилларидаги матнлар муҳаррири: **О.Сотволдиев**
Дизайнер-саҳифаловчи: **З.Ғуломов**

Нашриётнинг лицензия рақами АІ № 0011. 06.05.2019 йил.
Босишга 16.08.2024 йил рухсат этилди. Бичими 60×84 ¼.
Ризограф усулда босилди. Шартли босма табағи 10,2.
Нашр табағи 10,4. Буюртма № 23/1.
Баҳоси шартнома асосида.

«Standard Poligraf Service»
МЧЖ қўшма корхонаси босмахонасида чоп этилди.
100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Фозилтепа кўчаси, 12Б.